“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Агробанк” АТБ
Навоий вилоят
бошкармаси бошлиғи

__________ У.Ф.Елмуратов

“19” Апрел 2022 йил

**«Агробанк» АТБ Кизилтепа филиалига**
**2 (икки) дона “AIRFEL” 24 квт ли иситиш қозони**
**сотиб олиш ва ўрнатиш ишларини бажариш бўйича**

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

**Навоий 2022 йил**

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ:

1. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА
2. ТЕХНИК КИСМ
3. НАРХЛАР КИСМИ

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

## 1. Танлов предмети ва тахминий киймати

1. Танлов предмети: "Агробанк" АТБ Навоий вилоят бошкармаси Кизилтепа филиалига 2 (икки) дона "AIRFEL" 24 квтли иситиш қозони сотиб олиш ва ўрнатиш ишларига бажариш.

1.2. Танлов охирги қиймати- 32 941 055 (ўттиз икки миллион тўққиз юз қирқ бир минг эллик беш) сўм. Ушбу қийматдан ортик кийматлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди.
1.3. Бажариладиган иш турлари техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмида илова килинган.
Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун.
1.5. Ишларни бошлаш муддати -аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. "Агробанк" АТБ Кизилтепа филиали (бундан кейин- "Буюртмачи" деб аталади)-танлов ташкилотчиси хисобланади.
"Буюртмачи" манзили: Кизилтепа тумани Узбекистон шох кўчаси-6 уй
2.2. Танлов буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
2.3 Танлов "Агробанк" АТБ Кизилтепа филиали "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 15 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур булган мехнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хуқукий лаёқат ва ваолатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблағи миқдори;

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди. қайта ташкил этилган (ажратилиши, қўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара қилинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштироок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим;

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрстилиши керак;

-Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдикланган холда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4 Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

-Техник таклиф, фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган ҳолда;

-Техник хужжжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5 Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган хужжатларнинг хақикийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқукига эга.

## 5. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

5.1 Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2 Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларини аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчилкда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7.БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қишига хақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайлдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4 Танловнинг исталган иштирочиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**“Агробанк” АТБ Навоий**
**вилоят бошкармаси бошлиғи**

**__________ У.Ф.Елмуратов**

**“ 19 ” Апрел 2022 йил**

«Агробанк» АТБ Кизилтепа филиалига 2 (икки) дона “AIRFEL” 24 квтли
иситиш қозони сотиб олиш ва ўрнатиш ишларини бажариш бўйича

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

| Т/р | Бўлим номи | Бўлимга изоҳлар |
|---|---|---|
| 1. | Буюртмачи ташкилот номи: | “Агробанк” АТБ Қизилтепа филиали<br>Манзил: Навоий вилояти, Кизилтепа тумани Ўзбекистон шох кўчаси 6-уй. |
| 2. | Объект номи: | «Агробанк» АТБ Кизилтепа филиалига 2 (икки) дона “AIRFEL” 24 квтли иситиш қозони сотиб олиш ва ўрнатиш ишларини бажариш |
| 3. | Хизматларни кўрсатиш учун асос: | Банк бошкарувининг 22.12.2021 йилдаги 16-06 /229-сонли рухсат хати |
| 4. | Хизмат курсатиш шартлари: | Ўзбекистон Республикаси меъёрий хукукий норматив хужжатларига асосан битта пудратчи ташкилот билан ишлар амалга оширилади. |
| 5. | Иштирокчиларга куйиладиган талаблар | Ўзбекистон Республикаси меъёрий хукукий норматив хужжатларига асосан битта пудратчи ташкилот билан ишлар амалга оширилади |
| 6. | Ишларни бажариш муддати: | 10 кун |
| 7. | Бажарилган ишларни Буюртмачига топширишдаги талаблар | 1.Бажарилган ишлар далолатномаси<br>2.Хисоб фактура |
| 8. | Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи: | **ҚҚС билан 32 941 055 сум.** |
| 9. | Молиялаштириш манбаи: | **Ўз маблағи хисобидан** |
| 10. | Лойиҳани молиялаштириш тартиби: | Бўнак (аванс) – танлов натижаларига кўра аниқланган ишлар қийматининг 30 фоизи микдорида; жорий молиялаштириш бажарилган ишлар қийматининг хажмига асосан __фоизи миқдорида; қолган 5 фоизи – фойдаланишнинг кафолатли муддати тугагач. |
| 11. | Ишларни бажарувчи ташкилот: | Тендер комиссияси томнидан аникланади |
| 12. | Шартнома валютаси: | Ўзбек Сўми. |

# “AGROBANK”

**AKSIYADORLIK TIJORAT BANKI**
**NAVOIY VILOYAT BOSHQARMASI**

## B U Y R U G’ I

---

**2022 йил “18” апрель** **№ 111-шт** **Навоий шаҳри.**

“Агробанк” АТБ банк Бошқарувининг 2021 йил 22 декабрдаги №16-06/229-сонли рухсат хатига асосан банкнинг Қизилтепа филиалига 2 (икки) дона “Airfel” 24 квтли иситиш қозони сотиб олиш ва ўрнатиш мақсадида

**Буюраман:**

1.Вилоят бошқармаси Қизилтепа филиалига 2 (икки) дона “Airfel” 24 квтли иситиш қозони сотиб олиш ва ўрнатиш мақсадида танлов ғолибини электрон аукцион орқали аниқлаш учун қуйидаги тартибда комиссия таркиби тузилсин ва тасдиқлансин.

**Вилоят бошқармаси Танлов комиссиясининг намунавий шакли**

| № | | Лавозими |
|---|---|---|
| **Танлов комиссиясининг раиси** | | |
| 1. | У.Ф.Елмуратов | Бошқарма бошлиғи |
| **Комиссия аъзолари:** | | |
| 2. | А.У.Ходжиев | Бошқарма бошлиғи ўринбосари |
| 3. | Э.Р.Ўроқов | Бошқарма бошлиғи ўринбосари в.в.б. |
| 4. | З.З.Зулпиқоров | Бошқарма бошлиғи ўринбосари |
| 5. | Н.И.Насриддинов | Бошқарма бош бухгалтери |
| 6. | Э.А.Шакаров | Юридик бўлими бошлиғи |
| 7. | И.Амонов | Бош офиснинг Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти Молиявий менежмент бошқармаси Харидларни назорат қилиш бўлими масъул ходими |
| **Комиссия котиби:** | | |
| Ж.Муқимов (овоз бериш ҳуқуқисиз) Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими бош мутахассиси (хўжалик ишлари бўйича) | | |

2.Банк томонидан товарлар (ишлар, хизматлар)ни ҳарид қилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида” ги қонун (ЎРҚ-684-сон, 2021 йил 22 апрель) талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилсин.

3.Ушбу буйруқнинг бажарилиши юзасидан назорат вилоят бошқармаси бош бухгалтери Н.И.Насриддинов зиммасига юклатилсин.

**Асос:** Банк Бошқарувининг 2021 йил 27 сентябрдаги 108/1-сонли қарори.

**Бошқарма бошлиғи** **У.Ф.Елмуратов**

"AGROBANK" ATB NAVOIY VILOYAT BOSHQARMASI
XODIMLAR BILAN ISHLASH BO'LIMI